

Ш. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2018 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 33251 тани ташкил қилиб, шундан 29498 таси ёки 88,7% фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 7651 та (23,0%), саноат 6255 (18,8%), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 2636 та (7,9%) ва қурилиш 2453 та (7,4%) соҳаларига тўғри келади.


2018 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	яқунга нисбатан фоизда	бирлик	яқунга нисбатан фоизда
Жами	33251	100	29498	100
<i>шу жумладан:</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	3631	10,9	3261	11,0
саноат	6255	18,8	5577	18,9
қурилиш	2453	7,4	2144	7,3
савдо	7651	23,0	6541	22,2
ташиш ва сақлаш	1129	3,4	1011	3,4
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	2636	7,9	2244	7,6
ахборот ва алоқа	507	1,5	400	1,4
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	555	1,7	525	1,8
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	8434	25,4	7795	26,4

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 89,7% нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 23,3% хусусий корхоналар, 2,6% чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,2% акциядорлик жамиятлари ва 73,9% бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахслар мулкчилик шакллари

(1 июль ҳолатига, умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида)




2018 йил январь-июнда жами 3938 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари 2674 та). Уларнинг асосий қисми Паркент (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 12,9%), Зангиота (7,7%), Қибрай (7,3%), Тошкент (6,3%), Бекобод (5,6%), Ўртачирчиқ (5,3%), Янгийўл (5,0%), Юқоричирчиқ (5,0%), Бўка (4,9%), Қуйичирчиқ (4,5%), Чиноз (4,1%), Бўстонлик (3,9%) ва Оққўрғон (3,1%) туманларига тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 14,1% савдо, 16,5% саноат ва 8,6% қурилиш соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 838 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 263 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 31,4%) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

2018 йил 1 июль ҳолатига 27,7 мингта тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, шундан масъулияти чекланган жамиятлар – 18,3 мингта, хусусий корхона – 6,9 мингта, оилавий корхона – 1,7 мингта, бошқа тижорат корхоналари – 0,8 мингтани ташкил этади.

**Рўйхатга олинган тижорат корхоналарининг
ташкилий ҳуқуқий шакллари
(1 июль ҳолатига)**



2018 йилнинг январь–июнда жами 2,9 мингта янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 2,7 мингта). Янги ташкил топган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми Зангиота тумани (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 9,6%), Қибрай (8,7%), Тошкент (6,7%), Янгийўл (6,0%), ва Ўртачирчиқ (5,7%) туманларига тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг 19,3% савдо, 22,6% саноат ва 16,6% қишлоқ ва ўрмон хўжалиги соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 596 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 176 таси (жами фаолияти тугатилганлардан 29,5%) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар 2018 йил 1 июль ҳолатига фаолият кўрсатаётган хориж капитали иштирокидаги корхоналар сони 695 тани ташкил этди.

2018 йил январь–июнь ойларида хориж мамлакатлар резидентлари капитали иштирокида рўйхатдан ўтган янги корхоналар сони 101 тани ташкил этди. Бунда, асосан Хитой Халқ Республикаси резидентлари капитали иштирокида – 27 та, Россия Федерацияси – 20 та, Туркия Республикаси – 18 та, Қозоғистон Республикаси – 15 та, Корея Республикаси – 6 та ва 15 та бошқа мамлакатларнинг янги корхоналарига тўғри келади.

**Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг
иқтисодий фаолият турлари кесимида тақсимланиши**
(2018 йил 1 июль ҳолатига)

	Корхоналар сони	Жамига нисбатан, %
Жами	695	100
<i>шу жумладан:</i>		
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	62	8,9
Саноат	434	62,5
Қурилиш	15	2,2
Савдо	101	14,5
Ташиш ва сақлаш	16	2,3
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	12	1,7
Ахборот ва алоқа	1	0,1
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	7	1,0
Бошқа фаолият турлари	47	6,8

Иқтисодий фаолият турлари кесимида хориж капитали иштирокида фаолият кўрсатаётган 695 та корхонанинг 434 таси (62,5%) – саноат, 101 та (14,5%) – савдо, 62 таси (8,9%) – қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 16 (2,3%) – ташиш ва сақлаш, 12 (1,7%) – яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 15 (2,2%) – қурилиш соҳасига тўғри келади.